

## ХОТИРА ВА ЮБИЛЕЙЛАР / ХРОНИКА И ЮБИЛЕИ / CHRONICLE AND ANNIVERSARIES



### ЭГАМБЕРДИЕВ ХАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВИЧ – 60 ЁШДА!

Эгамбердиев Хамроқул Турсунқулович 1961 йил 5 ноябрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. У 1984 йилда Тошкент давлат университети (ТошДУ)ни муваффакиятли тутатиб, 1984-1990 йилларда ТошДУ Физика факультети Атмосфера физикаси кафедрасида мухандис, 1990-1991 йилларда кичик илмий ходим, 1992-1994 йилларда асистент, 1994-1996 йилларда катта ўқитувчи, 1996-2000 йилларда Атмосфера физикаси кафедрасида доцент вазифасини бажарувчи, 2002-2006 йилларда Атмосфера физикаси кафедраси мудири, 2005-2012 йилларда Умумий физика, физикани ўқитиш услуби ва атмосфера физикаси кафедраси доценти, 2012-2013 йилларда Умумий физика кафедраси доценти, 2013-2019 йилларда Астрономия ва атмосфера физикаси кафедраси доценти, 2019-2021 йилларда Астрономия ва атмосфера физикаси кафедраси профессори вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган, 2021 йилдан ҳозирги кунга қадар Гидрометеорология факультети Метеорология ва иқлимшунослик кафедраси мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Т.Эгамбердиев 1995 йилда 11.00.01 – Табиий география ва 11.00.09 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология ихтисосликлари бўйича география фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Ўзбекистонда қуёш энергияси ресурсларини антропоген омиллар ҳисобга олинган тақсимланиш хусусиятлари” мавзусида номзодлик ҳамда 2019 йилда 11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология ихтисослиги бўйича география фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун “Ўзбекистонда антропоген омилларни ҳисобга олган ҳолда атмосфера тиниқлигининг қуёш энергияси ресурсларига таъсири” мавзусида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори билан унга доцент илмий унвони берилган.

Х.Т.Эгамбердиев иш фаолиятида 100 дан ортиқ ўқув адабиётлари, илмий мақолалар чоп эттирган. Унинг ҳаммуаллифлигига 17 та ўқув адабиётлари, шу жумладан 7 та дарслик, 10 та ўқув кўлланмалар чоп этилган. Х.Т.Эгамбердиев томонидан яратилган 12 та карта Ўзбекистон Миллий атласига киритилган.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли ва Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашлар аъзоси.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари. Ўзбекистон миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли илмий кенгаш қошидаги 11.00.01 – Табиий география, 11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликлари бўйича илмий семинар аъзоси.

Х.Т.Эгамбердиев республика миқёсида бажарилган қатор грантларда иштирок этиб келмоқда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Ер ҳақидаги фанлар” Илмий-техник кенгаши аъзоси ҳисобланади.

Х.Т.Эгамбердиев университет жамоаси ва мутахассислар орасида ҳалол меҳнати ва олийжаноб фазилатлари боис ҳурмат-эътибор қозонган. У ҳар ишда ташаббускор, тўғрисўз, қасбдошларига меҳрибон ва ғамхўр, хушмуомала, камтар, қасбига меҳр билан муносабатда бўлади. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети Гидрометеорология факультети жамоалари Ҳамроқул Турсунқуловични таваллудининг 60 йиллиги билан муборакбод этади.